# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● WWW.XS.UZ ● E-mail: Info@xs.uz ● 2015 йил 10 ноябрь, № 217 (6400) Сешанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.


# ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАРИ

## ғайрат-шижоати, истеъдоди, юксак тафаккури билан жаҳонга танилмоқда

*Ишонаман, барча-барчангиз сизга мансуб бўлган куч-ғайрат ва қатъият, изланиш ва яна бир бор изланиш, замонавий билим ва тажрибаларни ўзлаштириш билан ўз олдингизга қўйган эзгу мақсадларга албатта эришасиз, жамиятимизда муносиб ва мустаҳкам ўрин эгаллайсиз.*

*Ҳеч қачон бўш келманг, азиз болаларим, эртанги кун — келажак сизники!*

**Ислом КАРИМОВ**





Уларнинг қўлга киритаётган ютуқлари мамлакатимизнинг салоҳиятини, куч-қудратини ўзида яққол ифодалаб турибди. Бинобарин, Истиқлол авлодининг бахтли ҳаёт кечириши, истеъдодини ёркин намоён этишида давлатимиз раҳбари томонидан бардавом, изчил, амалий тизим фаолияти йўлга қўйилгани муҳим аҳамият касб этмоқда.

Бугун юртимиз ёшлари нафақат республика, балки жаҳон миқёсидаги кўплаб фан олимпиадалари, нуфузли спорт мусобақалари, турли санъат анжуманларида муваффақиятли иштирок

### ЭЪТИБОР

этишмоқда. Албатта, бунинг тамал тоши табаррук даргоҳ — мактабда қўйилгани кундек равшан.

Шу ўринда Юртбошимиз ташаббуси билан ҳаётга татбиқ қилинган “Таълим тўғрисида”ги Қонун, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ҳамда Мактаб таълимини ривожлантириш давлат умуммиллий дастурининг самараларига назар ташласак. Мамлакатимизда шу пайтгача минглаб замонавий мактаблар қад ростлади. Таълим соҳаси ўқув муассасаларини қуриш, реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш ишлари йилдан-йилга кенг миқёс касб этмоқда.

(Давоми 4-бетда).

*«Ҳар кимга илмий ва техникавий ижод эркинлиги, маданият ютуқларидан фойдаланиш ҳуқуқи кафолатланади. Давлат жамиятнинг маданий, илмий ва техникавий ривожланишига ғамхўрлик қилади».*




Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 42-моддаси.



Ўтган йили 380 та мактаб, 160 дан ортиқ касб-ҳунар коллежи ва академик лицей тубдан янгиланди. Мазкур мақсадлар учун қарийб 550 миллиард сўм сарфланди. Ушбу маблағларнинг 120 миллиард сўмдан ортиғи таълим муассасаларини ўқув, лаборатория ҳамда ишлаб чиқариш ускуналари, компьютер ва мультимедиа воситалари билан таъминлаш учун ажратилди.

## Парламентдаги мухбиримиз хабар қилади

*Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Унда депутатлар Ўзбекистон Республикаси Божхона кодекси лойиҳасини иккинчи ўқишда кўриб чиқдилар. Аввалроқ ушбу қонун лойиҳаси дастлабки тарзда сиёсий партиялар фракциялари ва Ўзбекистон экологик ҳаракати депутатлар гуруҳи томонидан атрофлича муҳокама қилиниб, уни янада такомиллаштиришга қаратилган таклиф ҳамда тавсиялар ишлаб чиқилган эди.*

# Божхона ишини янада такомиллаштириш — иқтисодиётни ривожлантиришнинг муҳим омили

Мажлисда таъкидланганидек, Кодекс лойиҳаси тўғридан-тўғри таъсир кўрсатадиган нормалар акс эттирилган энг йирик ҳуқуқий ҳужжатлардан биридир. Муҳокамага киритилган қонун лойиҳаси 400 дан зиёд моддадан иборат. Қонун лойиҳасининг бундай йирик ҳажмда эканлиги, авваламбор, унинг божхона маъмурчилиги белгиланган норма ва қоидаларининг бир хилда қўлланилиши ҳамда талқин этилишини таъминлайдиган ва божхона соҳасида тартибга солиш комплекслилигини ҳамда шаффофлигини оширадиган яхлит ҳужжат эканлиги билан боғлиқдир.

Қўмита ишчи гуруҳи томонидан қонун лойиҳасини иккинчи ўқишга тайёрлаш давомида катта ишлар бажарилди. Хусусан, депутатлар, қонунчилик ташаббуси субъекти вакиллари, тегишли идоралар, шунингдек, олимлар, мутахассислар ва экспертлар иштирокида очиқ мажлислар ўтказилди. Бир қатор халқаро ҳуқуқий ҳужжатлар ҳамда божхона иши соҳасидаги 300 дан ортиқ қонуности ҳужжатлари инвентаризациядан ўтказилди, шунингдек, ташқи иқтисодий фаолият иштирокчилари фаолияти ўрганилди.

Алоҳида тўхталиб ўтилганидек, қонун лойиҳасини тайёрлашда Президентимиз томонидан сўнгги йилларда тадбиркорлик соҳасини либераллаштириш, экспортга чиқариладиган товарлар турини кенгайтириш мақсадида ташқи иқтисодий фаолиятни такомиллаштириш, қолаверса, маъмурий тартиб-таомилларни соддалаштиришга оид қабул қилинган бир қатор муҳим ҳужжатлар инобатга олинди.

Депутатлардан келиб тушган амалий ва конструктив таклифлар қонун лойиҳасини иккинчи ўқишга тайёрлаш доирасида ўрганиб чиқилди ҳамда ҳисобга олинди.

Парламент қуйи палатасида мазкур қонун лойиҳасининг моддама-модда муҳокамаси очиқ ва эркин баҳс-мунозара шаклида ўтди. Бу ҳам ушбу ҳужжатнинг самарали божхона назоратини таъминлаш, мамлакатимиз ҳудудида товар айланмасини тартибга солиш, ташқи савдони ривожлантириш ҳамда уни амалга оширишга шарт-шароитлар яратишда муҳим аҳамиятга эга эканлигини кўрсатади.

(Давоми 2-бетда).

### «INFOLIB — 2015»

*Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасида “Infolib — 2015” IV миллий ахборот-кутубхона ҳафталиги бошланди. Шу муносабат билан ўтказилган тадбирда сўзга чиққанлар мамлакатимизда ёш авлод билимини бойитиш, дунёқарашини кенгайтириш, уларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш учун барча шарт-шароит яратилганини таъкидлашди.*

# Миллий ахборот-кутубхона ҳафталиги бошланди



Анъанавий миллий ахборот-кутубхона ҳафталиги ҳам аҳоли ўртасида китобхонлик маданиятини юксалтириш, уларнинг ахборот-коммуникация технологияларига оид кўникмаларини янада мустаҳкамлаш, мазкур маърифат масканида китобхонлар учун яратилган имконият ва қулайликлардан ҳамюртларимизни хабардор этишга қаратилганлиги билан алоҳида аҳамиятга эгадир.

“Infolib — 2015” ҳафталиги “Очиқ эшиклар куни”, “Мутахассис куни”, “Ижод куни”, “Хорижий тиллар куни”, “Маданиятлар хилма-хиллиги куни” сингари муайян мавзуларни ўз ичига олади. Тадбир давомида ёзувчи ва шоирлар, мусаввирлар, режиссёрлар, ёшлар ҳамда жамоат ташкилотлари вакиллари, шунингдек, бир қатор халқаро танловлар ғолиблари билан учрашувлар ўтказиш ҳам режалаштирилган.

(Давоми 2-бетда).

# Фидойилик, эҳтиром ва рағбат

*Саломатлик — бебаҳо бойлик. Бугун мамлакатимизда Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган кенг кўламли ислоҳотлар замирида ҳам ана шу неъматни асраб-авайлаш, аҳолига сифатли тиббий хизмат кўрсатиш, пировардида инсон манфаатларини таъминлашдек эзгу мақсад мужассам. Бу ҳақда куни кеча Тошкент врачлар малакасини ошириш институтида бўлиб ўтган тадбирда алоҳида таъкидланди.*

### ЭЪТИРОФ

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан 2006 йил 12 сентябрда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси тиббиёт ходимлари кунини белгилаш тўғрисида»ги Қонунга мувофиқ, мамлакатимизда ҳар йили ноябрь ойининг иккинчи якшанбаси тиббиёт ходимлари байрами сифатида кенг нишонланади.

Мазкур сана муносабати билан уюштирилган бу галги тадбирда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзолари ва Қонунчилик палатаси депутатлари, давлат ҳамда жамоат ташкилотлари вакиллари, олимлар, шифокорлар қатнашди. Қайд этилганидек, юртимиз тиббиёт тизимида амалга оширилаётган изчил ислоҳотлар натижасида даволаш муассасаларининг моддий-техника базаси мустаҳкаланиб, аҳолининг соғлом ва узоқ умр кечиришини таъминлашда юксак самараларга эришилаяпти. Президентимизнинг 2014 йил 1 августдаги «2014 — 2018 йилларда Ўзбекистонда аҳолининг репродуктив саломатлигини янада мустаҳкамлаш, оналар, болалар ва ўсмирлар соғлиғини муҳофаза қилиш борасидаги Давлат дастури тўғрисида»ги қарори бу йўналишдаги ишларни янги босқичга кўтаришда муҳим дастуриламал бўлаётир.

(Давоми 2-бетда).

### ИНТИЛИШ

*Шофиркон туманидаги “Голден Форест” масъулияти чекланган жамиятида пахта чиқиндисидан момиқ тайёрлаш йўлга қўйилди.*

# 22 та бизнес лойиҳа амалга оширилди

Тадбиркорларнинг мазкур лойиҳасини банк муассасаси салкам 600 миллион сўм миқдорида кредит ажратиш билан қўллаб-қувватлади. Натижада цех кунига ўртача 60 тонна маҳсулот ишлаб чиқариш қувватига эга замонавий ускуналар билан жиҳозланди. Эндиликда бу ерда пахта тозалаш корхоналари чиқиндиси қайта ишланаяпти.

Туманни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурига мувофиқ, жорий йилнинг ўтган тўққиз ойида саноат йўналишида жами 22 та бизнес лойиҳа амалга оширилди. Йил охиригача уларнинг сонини 29 тага етказиш мўлжалланган.

**Истам ИБРОҲИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# «ХАБЕАС КОРПУС» ИНСТИТУТИ ВА ИНСОНПАРВАРЛИК ТАМОЙИЛЛАРИ

*Ўзбекистон Республикаси Олий суди томонидан “Хабеас корпус” институти — инсон ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилишнинг ишончли кафолати” мавзуида матбуот анжумани ташкил этилди.*

### АНЖУМАН

Таъкидланганидек, истиқлол йилларида суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш, жиноий жазони либераллаштириш, суд ҳокимияти мустақиллигини таъминлаш, суд қарорлари ижросини такомиллаштиришга қаратилган кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, 2001 йил 29 августда “Жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Жиноят, Жиноят-процессуал кодекслари ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги Қонун қабул қилинди. Шу саъй-ҳаракатлар натижасида суд жараёнига халқимиз менталитети, бағрикенглигига мос келадиган ярашув институти татбиқ этилди.

Миллий қонунчилигимиздан мустаҳкам ўрин эгаллаган “Хабеас корпус” институти туб замирида ҳам инсонпарварлик тамойиллари ўз ифодасини топган. Дастлабки тергов босқичида суд назоратини кучайтириш ва мазкур соҳада суд фаолиятини либераллаштириш бўйича кенг кўламли чора-тадбирлар кўрилиб, мазкур институт амалиётга татбиқ этилди. Давлатимиз раҳбарининг 2005 йил 8 августдаги Фармонига мувофиқ, 2008 йил 1 январдан эътиборан қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқи судларга ўтказилди. 2007 йил 11 июлдаги “Қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқи судларга ўтказилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Қонунга мувофиқ, қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқи судлар томонидан амалга оширилишига оид қонунчилик асослари яратилди.

(Давоми 2-бетда).



# Божхона ишини янада такомиллаштириш — иқтисодиётни ривожлантиришнинг муҳим омили

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Қонун лойиҳаси муҳокамаси чоғида депутатлар томонидан бир қатор принципиал масалалар ўртага ташланди. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси Ягона автоматлаштирилган ахборот тизимининг жорий этилиши ташқи иқтисодий фаолият иштирокчилари учун божхона чегаралари орқали олиб ўтилаётган товарларнинг божхона расмийлаштириш тартибини сезиларли даражада осонлаштиради. Ушбу тизим божхона органларига тақдим қилинадиган ҳужжатлар сонини қисқартириш ҳамда тадбиркорларнинг божхона органлари мансабдор шахслари билан юзма-юз мулоқот қилишининг олдини олиш имконини беради. Божхона экспертизасини ўтказишнинг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаш масалалари ҳам парламент аъзолари диққат-эътиборида бўлди. Киритилаётган нормалар ташқи иқтисодий фаолиятнинг Товар номенклатураси бўйича товар кодини ҳамда божхона тўловлари миқдорини аниқлашда холислик ва адолатлилик таъминланишига риоя этилишини таъминлайди.

**А. РАҲМОНОВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси раиси ўринбосари:**

— Божхона кодекси лойиҳасини бир неча кун давомида иккинчи ўқишда моддама-модда кўриб чиқдик. Қонун лойиҳасида интеллектуал мулк объектларига бўлган мутлақ ҳуқуқ эгасининг ҳимояси билан боғлиқ янги тартиб жорий этилаётгани муҳим ижобий жиҳатлардан биридир. Унга кўра, интеллектуал мулк объектларига нисбатан махсус ҳимоя қилиш чоралари қўлланилиши тўғрисида қарор қабул қилинган тақдирда, улар интеллектуал мулк объектлари божхона реестрига киритилиши назарда тутилмоқда. Ташқи иқтисодий фаолият иштирокчиларини божхона қонунчилиги тўғрисида хабардор қилиб бориш ва шу бўйича мутахассис маслаҳатини бериш билан боғлиқ нормаларнинг киритилиши ҳужжатдаги яна бир янгиликдир. Мазкур қоидага мувофиқ, божхона органлари соҳага доир қонунчилик ҳақидаги маълумотлардан тўсиқсиз фойдаланишни таъминлаб, ўз ваколатлари доирасига кирадиган божхона иши ва бошқа масалалар бўйича маслаҳат беради.

Шунингдек, божхона органлари томонидан валюта назоратини амалга ошириш ҳамда бунинг мамлакат иқтисодий хавфсизлигини таъминлашдаги аҳамиятига оид бир қатор масалалар депутатларнинг диққат-эътиборида бўлди. Депутатлар томонидан қўйилган саволлар бўйича қонунчилик ташаббуси субъекти вакиллари ҳамда қонун лойиҳасини иккинчи ўқишга тайёрлашда иштирок этаётган экспертлар, мутахассисларнинг фикр-мулоҳазалари тингланди.

**М. МИРАЗИМОВА, Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси Ҳуқуқий бошқармаси бошлиғи ўринбосари:**

— Депутатлар Божхона кодекси лойиҳасини кўриб чиқишга жиддий эътибор қаратишди. Масъул қўмита томонидан очиқ ва конструктив равишда иш олиб борилгани ҳам бунга қулай имкон яратди. Қайд этиш жоизки, қонун лойиҳаси амалдаги Божхона кодексида мавжуд бўлмаган янги бўлим ва бобларни ўз ичига олган. Айнан ана шу янгиликларга, хусусан, божхона тартиб-таомилларини соддалаштириш ҳамда уйғунлаштириш, божхона расмийлаштирувини амалга оширишда божхона органларига тақдим этиладиган ҳужжатлар рўйхатини қисқартиришга катта эътибор қаратилди. Чунончи, божхона брокерлари фаолиятини ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш, божхона назорати шаклини танлашда таваккалчиликларни бошқариш тизимидан фойдаланиш, интеллектуал мулк ҳуқуқий ҳимояси, маданий бойликларни вақтинчалик олиб чиқиш ва бошқа нормалар парламент аъзоларининг қизғин баҳс-мунозараларига сабаб бўлди. Муҳокама жараёнида сиёсий партиялар электорати манфаатларига жавоб берадиган қарорлар қабул қилинди. Ўйлайманки, депутатлар томонидан кўтарилган масалалар божхона иши соҳасида давлат сиёсатини олиб бориш самарадорлигини оширишга қаратилган мазкур қонун лойиҳасини янада такомиллаштиришга хизмат қилади.

Муҳокамалар якунида депутатлар янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Божхона кодексини иккинчи ўқишда қабул қилишди. Масъул қўмитага қонун лойиҳасини учинчи ўқишга тайёрлаш топширилди.

**Зиёда АШУРОВА.**

# Сархил ҳолда сақланади

*Жорий йилнинг ўзида Жиззах вилоятида сабзавот ва полиз маҳсулотларини сифатли сақлайдиган совутқичли омборхоналар сони 10 тага етказилди.*

ҚУЛАЙЛИК

Уларнинг сиғими эса қарийб 2,5 минг тоннага оширилди. Бу қиш мавсумида ҳам аҳолини сархил ноз-неъматлар билан таъминлаш имконияти кенгайганини англатади.

Хусусан, Жиззах туманидаги "Муҳаммад барака сервис" хусусий корхонасида 20 тонналик музлаткич ва 120 тонналик омборхона ишга туширилди. Бу мақсадлар учун 713 миллион сўм сарфланди.

— Лойиҳани муваффақиятли амалга оширишда банкдан олинган 600 миллион сўмлик кредит қўл келди, — дейди корхона раҳбари Бобур Бобобеков. — Ҳозирнинг ўзидаёқ 80 тоннадан ортиқ мева-сабзавот маҳсулотларини жамғардик.

**Тожиддин ҚАМАРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.**



Ҳасан ПАЙДОЕВ олган сурат.

# Фидойилик, эҳтиром ва рағбат

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Мамлакатимизда аҳолига жаҳон андозалари даражасида, юқори тиббий технологиялар воситасида бирламчи тиббий-санитария ёрдамидан тортиб, ихтисослаштирилган тиббий хизмат кўрсатишгача бўлган бўғинни қамраб олувчи мукаммал тизим яратилган. Соҳада эришилаётган улкан ютуқлар халқаро миқёсда кенг эътироф этилмоқда. Хусусан, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти томонидан Ўзбекистоннинг «Соғлом она — соғлом бола» миллий модели бошқа мамлакатларга намуна сифатида тавсия этилган.

Шифокорлар фаолиятини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш ҳамда уларнинг малака ва маҳоратини ошириш, соҳада эришилган илғор тажрибаларни оммалаштириш борасида қатор лойиҳалар ҳаётга татбиқ қилинаяпти. Қишлоқ врачлик пунктлари, оналик ва болаликни муҳофазалашга ихтисослаштирилган шифохоналар, санитария-эпидемиология назорати марказлари, шифокорлар ҳамда ҳамширалар ўртасида ўтказилаётган турли танловлар ана шулар жумласидандир.

Тадбирда ушбу танловларнинг 2015 йилдаги ғолиблари эълон қилинди. Унга кўра, Қашқадарё вилоятининг Шаҳрисабз туманидаги «Қумқишлоқ», Навоий вилоятининг Навбаҳор туманидаги «Учтут», Наманган вилоятининг Уйчи туманидаги «Хизиробод» қишлоқ врачлик пунктлари энг намунали бирламчи тиббий-санитария муассасалари, деб топилди.

Хива туманидаги Огаҳий номидаги қишлоқ врачлик пункти шифокори Феруза Юсупова «Йилнинг энг фаол умумий амалиёт шифокори», Бухоро тумани кўп тармоқли марказий поликлиникаси ҳамшираси Шаҳноза Сатторова «Йилнинг энг яхши патронаж ҳамшираси» номинациялари бўйича ғолиб бўлди. Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур туманидаги 4-шаҳар юқумли касалликлар шифохонаси шифокори Дилдора Аҳмаджонова «Оналик ва болаликни муҳофазалаш борасида энг фаол тиббиёт ходими», Республика давлат санитария-эпидемиология назорати маркази бўлим мудири Абдуҳаким Саримсоқов «Санитария-эпидемиология хизматининг энг фаол мутахассиси», деб топилди.

Ўн тўртта тиббиёт муассасаси оналик ва болаликни муҳофазалаш бўйича энг яхши шифохона номинацияси совриндори бўлди. Ғолиб ҳамда совриндорларга ташкилотчилар томонидан қимматбаҳо совғалар топширилди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Э. Боситхонова сўзга чиқди.

**М. ЎРОҚОВ.**

МАҲАЛЛИЙЛАШТИРИШ ДАСТУРИ

*Тошкент вилояти фаоллари йиғилишида қайд этилган қуйидаги рақамлар эътиборимизни тортди: жорий йилнинг 9 ойида 20 корхонада Маҳаллийлаштириш дастури асосида 70 дан зиёд лойиҳа ҳаётга татбиқ қилиниб, иқтисодий натижа кутилганидан қарийб бир ярим баравар кўп бўлибди.*

# САНОАТ КООПЕРАЦИЯСИ

## соҳа равнақига хизмат қилаяпти

Мазкур лойиҳалар рўёбга чиқарилиши натижасида 88,2 миллиард сўмлик тайёр маҳсулот, жумладан, саноат корхоналари учун бутловчи қисм ва деталлар ишлаб чиқарилгани ҳамда шу тариқа 34,4 миллион АҚШ долларлик маблағ тежаб қолингани ҳам буни яққол тасдиқлайди.

Дарҳақиқат, мамлакатимизда экспортбоп ва импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кўпайтиришни рағбатлантириш, ички тармоқ ҳамда тармоқлараро, корхоналар ўртасида кооперацияни мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Президентимизнинг 2014 йил 4 февралдаги "2014 — 2016 йилларга тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастури тўғрисида"ги қарори бунда муҳим дастурамал бўлмоқда. Мазкур ҳужжатга мувофиқ, ишлаб чиқарувчиларга бир қатор имтиёз ва преференциялар татбиқ этилаётирки, бу саноатимиз равнақида янги марралар сари кенг йўл очаяпти. Шунга мос равишда техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозланаётган корхоналарда харидор диди ҳамда талабига мос, замонавий ва рақобатдош маҳсулотлар тайёрланмоқда.

Бу борада Бекобод шаҳридаги "Ўзбекистон металлургия комбинати" акциядорлик жамиятининг бир қатор завод ва цехларида амалга оширилаётган истиқболли лойиҳалардан катта самаралар кутилмоқда. Чунончи, жамиятда пайвандлаш электродлари тайёрлашга киришилгани ҳам Маҳаллийлаштириш дастурининг яна бир амалий ифодаси бўлди, дейиш мумкин. Шу билан бирга, янги лойиҳа комбинатнинг ишлаб чиқариш кўрсаткичларини барқарорлаштириш баробарида, 90 дан ортиқ кишининг бандлигини таъминлаш имконини берди.

— Биласиз, бундай маҳсулотга халқ хўжалигининг деярли барча тармоғида талаб катта, — дейди смена устаси Ўткир Шокиров. — Бироқ улар валюта эвазига четдан келтириларди. Шу боис, асосан, маҳаллий хом ашёдан тайёрланаётган электродларимиз сифати ва мақбул нархи билан қисқа фурсатда ички бозордан муносиб ўрин эгаллади. Айни пайтда уларни мамлакатимизнинг барча ҳудудига етказиб бераяпмиз. Шунингдек, Навоий ва Олмалиқдаги кон-металлургия комбинатлари ҳамда бошқа бир қатор йирик саноат тузилмаларининг улгуржи буюртмаларини ҳам ўз вақтида уддалаяпмиз.

Дастлабки босқичда цехда уч хилдаги электродлар тайёрланган бўлса, ҳадемай, уларнинг тури янада кўпаяди. Айни пайтда корхона мутахассисларининг инновацион йўналишдаги изланишлари самараси ўлароқ, "MR-3U" русумидаги "J-422" маркали электрод синовдан муваффақиятли ўтган бўлса, йил якунигача унинг яна бир янги тури ишлаб чиқарила бошланади. Эътиборлиси, бундай пайвандлаш ашёлари ўзининг сифат кўрсаткичлари ҳамда иқтисодий тежамкорлиги билан турдошларидан фарқ қилади.

Умуман олганда, мазкур изланишлар самараси туфайли биргина мазкур цехнинг ўзида жорий йилнинг тўққиз ойи мобайнида 40,5 миллиард сўмликдан кўпроқ маҳсулот тайёрлашга эришилди.

**Ғайрат ШЕРАЛИЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

# Миллий ахборот-кутубхона ҳафталиги бошланди




(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

— "Infolib — 2015" ҳафталиги фаолиятимиз самарадорлигини оширишда алоҳида ўрин тутади, — дейди Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги тасарруфидаги ахборот-ресурс маркази директори Зулфия Сайтниязова. — Яқинда марказимиз учун янги бино қуриб берилди. Унда ўқув заллари, компьютер, мультимедиа хонаси, мажлислар зали ва бошқа бир қатор қулайликлар яратилган. Бу мамлакатимизда маънавият ривожи учун давлатимиз томонидан нақадар юксак эътибор қаратилаётганининг амалдаги яна бир ифодасидир.

Миллий ахборот-кутубхона ҳафталигининг дастлабки кунида "Бетгеров ўқувлари — 2015": фойдаланувчиларнинг ахборот маданияти ва медиасаводхонлигини шакллантиришда ахборот-кутубхона муассасаларининг ўрни" мавзуидаги давра суҳбати, Алишер Навоийнинг "Ҳамсат ул-мутаҳаййирин" асари бадиий таржимаси тақдимоти, китоблар кўргазмалари, ахборот-кутубхона мутахассислари учун маҳорат сабоқлари ҳам бўлиб ўтди.

**Мавжуда ХОЛМАТОВА, «Халқ сўзи» мухбири.**

# Тадбиркор маҳсулотини экспорт қилди

*Оқолтин туманидаги "Сардоба текстиль" масъулияти чекланган жамиятида тикув ва тўқув цехи баробар фаолият кўрсатаётгани маҳсулот таннархини арзонлаштириш имконини бермоқда.*

ИЗЛАНИШ

Бу ерда тайёрланаётган бир неча турдаги трикотаж буюмлар бежиримлиги билан ажралиб туради. Қолаверса, шунинг ҳисобидан корхона эҳтиёжи тўлиқ таъминланаяпти.

— Тез кунда яна бир тўқув цехини ишга туширамиз, — дейди жамият раҳбари Толиб Раҳимов. — Бу орқали келгусида бошқа корхоналарга ҳам газламалар сотишни йўлга қўямиз. Шунингдек, айни пайтда бичув цехини автоматлаштирилган электрон дастгоҳлар билан жиҳозлаш ҳамда эркаклар кўйлакларини ишлаб чиқаришга ҳозирлик кўраяпмиз. Ушбу лойиҳалар ҳаётга татбиқ этилгач, яна 25 та қўшимча иш ўрни яратилади.

Айтиш лозимки, "Ташаббус — 2015" кўрик-танловининг республика босқичида "Энг яхши тадбиркор" номинацияси бўйича учинчи ўринни эгаллаган мазкур корхонада жорий йилнинг тўққиз ойида 622 минг АҚШ долларидан зиёд маҳсулот экспорт қилинди. Бошқача айтганда, тайёрланган жами кийим-кечакларнинг 80 фоизи хорижий ҳамкорларга етказиб берилди.

Умуман, вилоятда шу йилнинг январь — сентябрь ойларида маҳаллий экспортчи корхоналар томонидан 60,4 миллион АҚШ долларлик товарлар ташқи бозорда сотилди. Шундан 20,2 миллион АҚШ доллари енгил саноат ва чарм маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган тадбиркорлик тузилмалари ҳиссасига тўғри келди.

**Аҳмадали ШЕРНАЗАРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

# «ХАБЕАС КОРПУС» ИНСТИТУТИ ВА ИНСОНПАРВАРЛИК ТАМОЙИЛЛАРИ

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

— Бугунги кунда суриштирув, дастлабки тергов ва суд жараёнида "Хабеас корпус" институти самарали қўлланилиб, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари таъминлаб келинмоқда, — дейди Ўзбекистон Республикаси Олий суди судьяси Неъматжон Акбаров. — Бу борада Президентимизнинг тегишли фармонлари, қонунлар ҳамда Олий суднинг "Судга қадар иш юритиш босқичида қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасининг судлар томонидан қўлланилиши тўғрисида"ги қарори дастурамал бўлаётир. Муҳими, соҳа қонунчилиги изчиллик билан такомиллаштирилмоқда.

Тадбир иштирокчилари Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси "Хабеас корпус" институти қўлланилиши доирасини кенгайтиришда муҳим аҳамият касб этаётганини алоҳида таъкидлашди. Ушбу Концепция асосида 2012 йил 18 сентябрда қабул қилинган "Суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Қонунга кўра, судгача иш юритув босқичида шахсни лавозимидан четлаштириш, тиббий муассасага жойлаштириш каби процессуал мажбурлов чораларини фақат судья санкцияси асосида амалга ошириш тартиби жорий этилди. Бу фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари дахлсизлиги, улардан суд қарорисиз маҳрум этишга ёки уларни чеклаб қўйишга ҳеч ким ҳақли эмаслиги ҳақидаги конституциявий нормаларнинг таъминланишида муҳим роль ўйнамоқда.

Анжуманда, шунингдек, 2014 йил 4 сентябрда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Қонунга мувофиқ, "Хабеас корпус" институтини қўллаш доираси янада кенгайтирилганига ҳам эътибор қаратилди. Яъни уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чораси жорий этилиб, шахсга нисбатан уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш ва унинг муддатини узайтириш судлар ваколатига киритилди. Бу билан, аввало, фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ҳамда эркинликларини одил суд орқали муҳофаза қилиш имконияти янада кучайди ва қўшимча кафолатлар белгиланди. Айни чоғда суд мустақиллиги ҳамда суд ҳокимиятининг таъсирчанлиги ошди.

**Зокир ХУДОЙШУКУРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

# Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ахбороти

*Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2015 йил 10 ноябрдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:*)*

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| 1 Австралия доллари | 1907,60 | 1 Исландия кронаси | 20,71 | 1 СДР | 3755,07 |
| 1 Англия фунт стерлинги | 4078,56 | 1 Канада доллари | 2037,17 | 1 Туркия лираси | 927,45 |
| 1 Дания кронаси | 390,66 | 1 Хитой юани | 425,73 | 1 Швейцария франки | 2696,34 |
| 1 БАА дирҳами | 737,01 | 1 Россия рубли | 42,50 | 1 евро | 2965,59 |
| 1 АҚШ доллари | 2706,59 | 1 Украина гривнаси | 119,50 | 10 Жанубий Корея вони | 23,44 |
| 1 Миср фунти | 337,06 | 1 Малайзия ринггити | 620,78 | 10 Япония иенаси | 219,44 |
| | | 1 Польша злотийси | 683,14 | | |

**) Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.*

***Мамлакатимизда барча соҳа қатори банк тизимида ҳам салмоқли ютуқлар қўлга киритилмоқда. Хусусан, жорий йилда молия муассасаларининг жами капитали ўтган йилдагига нисбатан 24,8 фоиз ошиб, сўнгги беш йил мобайнида 2,4 баробар ўсди. Бунда давлатимиз раҳбарининг 2010 йил 26 ноябрдаги “2011 — 2015 йилларда республика молия-банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва барқарорлигини ошириш ҳамда юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устувор йўналишлари тўғрисида”ги қарори муҳим дастуриламал бўлаётир.***

***Қувонарлиси, ушбу ҳужжат ижроси доирасида амалга оширилаётган изчил ислоҳотларнинг самараси ҳамда соҳада кузатилаётган ижобий ўзгаришлар хориждаги нуфузли молия муассасалари, мутахассис ва экспертлар томонидан ҳам юксак эътироф этилмоқда. Чунончи, Ўзбекистон банк тизими фаолияти халқаро рейтинг агентликлари томонидан муттасил равишда “Барқарор” деб баҳоланаётгани бунинг яна бир амалий тасдиғидир. Қолаверса, яқинда Жаҳон банки ҳамда Халқаро молия корпорацияси томонидан “Бизнесни юритиш — 2016” (“Doing business — 2016”) бўйича эълон қилинган ҳисоботда Ўзбекистон “Кредитлаш тизими”да дунёнинг 189 давлати орасида бир йил ичида 63 поғона кўтарилиб, 105-ўриндан 42-ўринга чиқди. Бундан ташқари, АҚШнинг энг нуфузли “Global Finance” журнали хулосасига кўра, Ўзбекистон Марказий банки жаҳондаги Марказий банклар орасида янада юқори рейтинг поғонасини банд этди. Албатта, буларнинг барчаси мамлакатимиз иқтисодиёти изчил ривожланиб, банкларимизнинг молиявий барқарорлиги тобора мустаҳкамланиб бораётгани ифодасидир.***

***Хусусан, 5-6 ноябрь кунлари пойтахтимизда бўлиб ўтган Халқаро инвестициявий форумда иштирок этиш учун юртимизга ташриф буюрган чет эллик салоҳиятли инвесторлар, халқаро экспертлар ва йирик компания ҳамда ташкилотлар вакиллари ҳам ана шундай фикр-мулоҳазаларни билдиришди. Қуйида улардан айримларини эътиборингизга ҳавола этамиз.***

# «ЎЗБЕКИСТОН БАНК ТИЗИМИ ИШОНЧЛИ ВА КАФОЛАТЛИДИР»

## Халқаро эксперт ва мутахассислар ана шундай эътироф этишмоқда.

**ЛИ Санг Хак,**
**халқаро аудитор**
*(Корея Республикаси):*

— Ўзбекистон жадал тараққий этаётган давлатлар қаторидан муносиб ўрин эгалламоқда. Халқаро инвестициявий форум доирасида юртингизнинг бир қатор банклари фаолияти билан яқиндан танишдик. Уларнинг юқори ликвидлик кўрсаткичлари ва ишончлилиги банклараро депозитларни жойлаштириш, қисқа муддатли ликвидликни тартибга солиш ва қўшимча даромад олиш каби қулай имкониятларни яратмоқда. Айниқса, молия муассасаларингизнинг хорижий ва халқаро молия институтлари билан халқаро валюта операциялари йўналишидаги ҳамкорлиги кенгайиб бораётгани қувонарлидир.

Банклар учун мижозлар манфаати — бош мезон. Мамлакатингиз молия муассасаларида уларга янада қулайлик яратиш мақсадида “Call-марказ” ташкил этилиб, бу ерда мавжуд хизматлар ва улар бўйича белгиланган тарифлар юзасидан батафсил маълумотлар тақдим этилаётгани мижозларнинг банкларга ишончи ортишига хизмат қилмоқда. Қолаверса, молия муассасаларингиз дастурий таъминот ва ахборотни муҳофаза қилиш тизимларини босқичма-босқич такомиллаштирмоқда. Бу орқали ягона ахборот маконини яратиш, барча тизим ҳамда иловаларнинг узлуксиз ишлашини таъминлашга эришилаяпти.

Яна бир гап. Банклар фаолияти барқарорлиги уларда меҳнат қилаётган мутахассислар салоҳияти билан ҳам чамбарчас боғлиқ. Шу боис юртингизда мазкур тизимни бошқаришда кадрлар сиёсатига алоҳида эътибор қаратилаётгани таҳсинга лойиқ. Ўзбекистон Марказий банки томонидан тизим ходимлари меҳнатини интенсификациялаш, янги маҳсулот ва технологияларни ўзлаштириш, мутахассислар ва раҳбар кадрлар ваколатларини кенгайтириш ҳамда масъулиятини ошириш, стратегик вазифалар ижросини таъминлайдиган, ўз ишининг устаси бўлган профессионал жамоани шакллантириш юзасидан ташкилий чора-тадбирлар олиб борилаётгани эътиборимни тортди. Интилган, албатта, муродига етади. Бунинг самараси мамлакатингиз банк тизимида амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотлар бугун халқаро экспертлар, аудиторлар томонидан юқори баҳоланаётганида кўзга яққол ташланади. Мана, яқинда Жаҳон банки ва Халқаро молия корпорациясининг йиллик ҳисоботида Ўзбекистон банк тизимидаги янгиланишлар юксак эътирофга сазовор бўлди. Табиийки, бундай муваффақиятларга ўз-ўзидан эришилмайди. Бунинг замирида юртингизда мазкур соҳада жаҳон амалиётидан келиб чиқиб, мижозлар, айниқса, ишбилармонлар манфаатини кўзлаб амалга оширилаётган чора-тадбирлар мужассам. Энг муҳими, банкларингиз ташқи ресурс манбаларига таянмасдан, ички имкониятларни сафарбар этган ҳолда ўз капиталини мустаҳкамлашга интилаяпти. Бу, ўз навбатида, мамлакатингизда кичик бизнес ривожига ҳам кенг йўл очаяпти. Таҳлиллар натижаси шуни кўрсатадики, Ўзбекистонда хусусий секторга ажратилаётган кредитлар миқдори сўнгги 10 йил мобайнида 22 баробар ўсибди. Ушбу омиллар республикангиз иқтисодий салоҳияти тобора юксалаётгани, аҳоли реал даромадлари кўпаяётгани ҳамда минглаб янги иш ўринлари юзага келаётганидан далолат беради.

Қисқача айтганда, Ўзбекистон банк тизимидаги ўзгариш ва янгиланишлар менда катта таассурот қолдирди. Халқаро аудитор сифатида шуни айтишим мумкинки, молия муассасаларингиз фаолияти халқаро стандартларга тўла мос келади. Шу боис унга берилаётган халқаро рейтинг баҳоларини ҳар томонлама муносиб ва ҳаққоний, деб биламан.

**Сармад ХАРАКЕ,**
**“Gibbs Investments Holdings” холдинг компанияси директори**
*(АҚШ):*

— Ўзбекистон мустақил тараққиёт йилларида жаҳондаги обрў-эътибори ва нуфузини тобора мустаҳкамлаб бораяпти. Айниқса, мамлакатингизда яратилган қулай инвестициявий муҳит хорижий сармоядорлар эътиборини ўзига кенг жалб қилмоқда. Шу боис бугун ривожланган давлатларнинг етакчи фирма ва ташкилотлари орасида республикангизга тўғридан-тўғри инвестиция киритишга қизиқувчилар сафи кенг. Пойтахтингизда ўтказилган Халқаро инвестициявий форумда иштирок этиб, бунинг бевосита гувоҳига айландим. Қолаверса, шу йирик анжуман доирасида молия муассасаларингиз фаолияти билан ҳам яқиндан танишдим. Шундан келиб чиқиб, Ўзбекистон банк тизими халқаро андозалар даражасида фаолият юритаяпти, деб ҳеч иккиланмай айта оламан.

Банкларингиз тадбиркорларнинг энг яқин ҳамкорига айланиб, уларни имтиёзли фоизларда сармоялар билан таъминлаб келаётгани ҳам эътиборлидир. Шунингдек, мижозларга интерактив хизматлар кўрсатиш, бизнеснинг корпоратив, чакана ҳамда инвестициявий йўналишларини кенгайтиришни молия муассасаларингиз устувор вазифа сифатида белгилаб, уни оғишмай амалга ошираётгани таҳсинга лойиқ.

Банк ва мижоз ўртасида тенг манфаатли муносабатлар ўрнатилиши олиб борилаётган депозит сиёсатининг муваффақиятли омилидир. Сабаби, аҳоли ўз маблағларини омонатга қўйишда, энг аввало, банкнинг ишончлилиги, устама фоизи даражаси, муассасанинг тармоқ бўлинмалари ҳамда мижозларга хизмат кўрсатиш сифатини ҳисобга олади. Бу борада Ўзбекистон банк тизими томонидан кенг кўламли ишлар олиб борилаётганлиги боис молия муассасалари ўз акциядорлари ҳамда омонатчилари олдидаги мажбуриятларини тўлиқ бажармоқда. Бинобарин, омонатлар шартларини мақбуллаштириш, янги депозитларни ишлаб чиқиш ва жорий этиш, хизмат сифатини яхшилаш бўйича ҳам аниқ мақсадли чора-тадбирлар амалга оширилаётир. Шу туфайли яқинда АҚШда нашр этиладиган нуфузли “Global Finance” журнали хулосасига кўра, Ўзбекистон Марказий банки жаҳондаги Марказий банклар орасида янада юқори рейтинг поғонасини эгаллади.

Дунёда ҳали-ҳануз давом этаётган молиявий инқироз шароитида кўплаб мамлакатлар иқтисодиёти танг аҳволга тушиб қолаётгани сир эмас. Бу, ўз навбатида, банк тизимига ҳам салбий таъсир кўрсатаяпти. Оқибатда молия муассасалари катта миқдорда зиён кўриб, олаётган даромади ҳамда ресурс базаси кескин пасайиб кетаётир. Бу, айниқса, ташқи қарзларга таяниб кун кечираётган давлатлар молиявий хизматлар бозорида кўплаб муаммоларни юзага келтирмоқда.

Ана шундай бир вазиятда бевосита давлатингиз раҳбари томонидан тегишли чора-тадбирлар ишлаб чиқилиб, уларнинг ижроси изчил таъминланаётгани муҳим омил бўлди. Қолаверса, республикангиз Марказий банки ўз назорат функцияси ва бошқа вазифаларини тўлақонли бажараётгани молиявий-иқтисодий инқироз асоратларини бартараф этишда қўл келди. Пировардида омонатчилар ва чет эллик инвесторларнинг мамлакатингиз банк тизимига бўлган ишончи тобора мустаҳкамланаётир. Шунинг учун ҳам Халқаро инвестициявий форумда қатнашган халқаро экспертлар ўз маърузаларида юртингизда бу соҳада эришилаётган муваффақиятларни алоҳида эътироф этиб ўтдилар.

Биз истиқболда ўзбекистонлик ишбилармонлар билан инвестициявий ҳамкорликни кенг йўлга қўйишга тайёрмиз.

**Клаус ХЕЛСПЕР,**
**“Germen investment Corporation” DEG вице-президенти**
*(Германия):*

— Машҳур беш тамойилга асосланган тараққиётнинг “ўзбек модели”да иқтисодиётнинг сиёсатдан устунлиги қатъий белгилаб қўйилганидан хабардорман. Бу эса Ўзбекистонда барча тармоқ, жумладан, банк тизими ривожида янги босқични бошлаб берди. Шу боис мамлакатингиз танлаган оқилона йўлни жаҳоннинг бошқа кўплаб давлатлари қатори, Германияда ҳам катта қизиқиш билан ўрганишади, қўллаб-қувватлашади. Юртингиз молия муассасалари кейинги йилларда хорижий инвесторлар талаб ва таклифларига мос равишда замонавий хизматларни тақдим этаётганини ана шундай ислоҳотлар натижаси, деб биламан. Қолаверса, банкларингизда кредит портфелини соғломлаштириш борасида кучли механизм яратилган. Биз Халқаро инвестициявий форум доирасида шу каби муваффақиятлар билан яқиндан танишдик. Бундан ташқари, банкларингиз бинолари пештоқига илинган “Мижоз банк учун эмас, банк мижоз учун” деган шиор эътиборимизни жалб этди. Демак, Ўзбекистон банк тизими дунёда юқори рейтинг баҳоларига сазовор бўлаётгани бежиз эмас экан. Бундай ўзига хос ёндашувни бошқа мамлакатлар банк тизимига ҳам ибрат қилиб кўрсатса, арзийди.

Инвестициявий ҳамкорлик — халқаро алоқаларнинг энг муҳим йўналишларидан бири. Ўзбекистон эса сармоя киритиш учун қулай мамлакат. Инвестициявий лойиҳалар рўёбида молия муассасаларининг ҳам хизмати ва ҳиссаси беқиёс. Шу жиҳатдан, Ўзбекистон банкларига бўлган ишончим янада ортди. Қаранг, ўтган йил якунига кўра, молия муассасаларингизнинг ресурс базаси 2013 йилдагига нисбатан 30,5 фоиз ортган бўлса, унинг таркибида узоқ муддатли омонатлар улуши сезиларли даражада кўпайибди. Шунингдек, 2009 — 2014 йиллар давомида иқтисодиётнинг реал секторига йўналтирилган кредит қўйилмаларининг ўртача йиллик ўсиши 30 фоизга етибди. Хусусан, бу кўрсаткич инвестициявий кредитлар бўйича 36 фоизни, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасида 46 фоизни ташкил этибди. Ушбу маблағлар, асосан, ички захира ва манбалар ҳисобидан шакллантирилаётгани диққатга сазовордир. Яна бир муҳим кўрсаткич кредит олиш индикаторидир. Ўзбекистон кредит ахбороти алмашинуви ҳамда гаров таъминоти бўйича келишувларни олиб бориш юзасидан ҳам кенг қамровли ишларни амалга ошираяпти. Бу эса юртингиз банк тизимида инвестор ва тадбиркорлар учун қулай ишбилармонлик муҳити яратилганлигининг яна бир тасдиғидир.

**Кохиллан ПИЛАЙ,**
**“Petrosel Dagangan” компанияси раиси**
*(Малайзия):*

— Халқаро инвестициявий форум айнан Ўзбекистонда ўтказилиши бежиз эмас. Юртингизда меҳмон бўлиб, бунга яна бир карра ишонч ҳосил қилдим. Бозорларингиздаги тўкин-сочинликни кўриб кўзим қувнади. Савдо расталарида исталган маҳсулотни топиш мумкин. Сархил неъматларнинг барча тури муҳайё. Муҳими, мамлакатингиз тинчосуда, халқингиз турмуши фаровон. Одамларингиз бугунидан рози, эртанги кунга бўлган ишончи юксак. Албатта, бундай омиллар ҳеч бир инвесторни бефарқ қолдирмайди.

Биз Форум доирасида молия муассасаларингизда ҳам бўлдик. Инвестиция соҳасига қизиққаним боис банкларингизнинг айнан ушбу йўналишдаги фаолияти билан яқиндан танишдим.

Мазкур жараёнда давлатингиз томонидан хорижий сармоядорларга берилаётган имтиёз ва преференциялар алоҳида эътиборимни тортди. Айни пайтда иқтисодиётингизнинг етакчи тармоқларида чет эл инвестицияси иштирокида 4500 дан зиёд корхона иш юритаётган экан. Ушбу рақамлардан ҳам кўриниб турибдики, Ўзбекистон хорижлик ишбилармонлар учун қулай бизнес маконидир. Муҳими, молиявий муассасаларингиз кредит ресурсларининг асосий қисми тадбиркорлик ривожига йўналтирилмоқда. Юртингиз банк тизимининг 5 йиллик фаолиятини таҳлил қилиб шунга иқрор бўлдик. Яъни молия муассасаларингиз томонидан ажратилган жами кредитларнинг 28 трлн. сўмдан зиёди айнан шу соҳа вакилларига тақдим этилибди. Мазкур кўрсаткич Ўзбекистон экспорт салоҳиятини оширишда банкларингизнинг ўрни нечоғлик юксак эканлигини тасдиқлайди.

Форум доирасида жойларда бўлганимизда, Марзияхон исмли тадбиркор аёл билан суҳбатлашдик. У банкдан 1,6 млрд. сўм кредит олиб, замонавий иссиқхона ташкил этибди. Кўриб, қойил қолдик. Бу ерда, асосан, бодринг ва помидор етиштирилар экан. Маҳсулотнинг 80 фоизи экспорт қилинаяпти. Ўтган даврда 1 млрд. сўмлик фойда олибди. Ишбилармон аёл эришган муваффақиятлари ҳақида тўхталар экан, тижорат банклари томонидан кўрсатилаётган малакали хизматлар ҳақида тўлқинланиб гапирди. Бу орқали Ўзбекистон банк тизими барқарор ва кафолатли эканлигига яна бир бор ишонч ҳосил қилдим.

Умуман, мамлакатингизда яратилган қулай инвестициявий муҳит сармоядорларни ўзига жалб этди, десам, муболаға бўлмайди. Халқаро форум доирасида қарийб 12,5 млрд. АҚШ долларилик битим ва меморандум имзолангани ҳам фикримиз исботидир. Биз келгусида ҳам Ўзбекистон билан яқин иқтисодий ҳамкорлик қилишга тайёрмиз. Ушбу тадбирни юксак савияда ташкил этгани учун Ўзбекистон раҳбариятига ўз миннатдорчилигимизни билдирамиз.

**Дипак РЭЙНА,**
**хорижий инвестор**
*(Сингапур):*

— Корхонамиз Ўзбекистонда бир неча йилдан буён муваффақиятли фаолият юритиб келади. Тажрибамдан шунга амин бўлдимки, юртингизда нафақат тадбиркорлар, балки чет эллик сармоядорларга ҳам қулай ишбилармонлик муҳити яратилган. Айниқса, тижорат банклари томонидан тадбиркорлик субъектларига бири-биридан жозибали кредитлар таклиф этилмоқда. Молиявий амалиётлар бажарилишида ҳеч қандай тўсиқ ва муаммоларга дуч келганимиз йўқ. Барча банк операцияларини офисимиздан туриб, “Банк — мижоз” дастури ёрдамида амалга ошираяпмиз. Бу орқали вақт ва харажатлар тежалиб, ортиқча оворагарчиликларга чек қўйилаяпти. Банк билан мустаҳкам ҳамкорлик ўрнатганимиз туфайли бир неча маротаба кредит олиб, ўз фаолиятимизни кенгайтирганмиз. Экспорт салоҳиятимиз ҳам йилдан-йилга ошиб бормоқда. Фоиз ставкалари эса бизга жуда маъқул.

Умуман, юртингизда хорижий инвесторларнинг муваффақиятли фаолият юритиши учун зарур имкониятлар яратилган. Бу эса даромадларимиз тобора кўпайишига хизмат қилаётир.

**Мигель МАНЧОН,**
**“Grupo ACS” компанияси директори**
*(Испания):*

— Кичик бизнес мамлакатингиз иқтисодиётининг таянчи саналади. Бу, энг аввало, соҳа вакилларига давлатингиз томонидан берилаётган қатор имтиёзлар самарасидир. Хусусий мулк ва тадбиркорлик фаолиятининг қонун йўли билан ҳимоя қилиниши эса уларнинг барқарор иш юритишида муҳим аҳамият касб этмоқда. Президентингиз томонидан қабул қилинган Фармон ва қарорлар бу борада дастуриламал вазифасини ўтаяпти. Айниқса, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Таълим муассасаларининг битирувчиларини тадбиркорлик фаолиятига жалб этиш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони билан яқиндан танишиб чиқдим. Унда ёшларнинг жамиятда муносиб ўрин эгаллашлари учун катта енгилликлар бериш назарда тутилган.

Мен юртингизга ташрифим чоғида ёшларнинг бизнес лойиҳаларини молиялаштиришда банкларингизнинг ўрни катта эканлигига гувоҳ бўлдим. Эътиборлиси, уларга кредитлар ажратиш ҳажми ҳам йил сайин кўпайиб бораётган экан. Республика Марказий банкининг тавсияси асосида молия муассасаларида коллеж битирувчиси микрокредит олиш учун етарли таъминотга эга бўлмаган тақдирда, ота-онаси ёки яқин қариндошининг иш ҳақи тўғрисидаги маълумотномани тақдим этиш орқали кафиллик бериш амалиёти жорий қилингани менда катта қизиқиш уйғотди. Бу ёш тадбиркорлар учун катта мададдир.

Хулоса ўрнида айтишим мумкинки, Президент Ислом Каримов томонидан ишлаб чиқилган тараққиётнинг “ўзбек модели” бугун мамлакатингизни буюк келажак сари етакламоқда. Буни Тошкент шаҳрида ташкил этилган Халқаро инвестициявий форумда иштирок этган ҳар бир халқаро эксперт ва инвестор алоҳида эътироф этиб ўтди.

**Ин Жу КИМ,**
**Ўзбекистон — Корея ривожланиш банки бошқаруви раиси:**

— Ўзбекистонда қарийб йигирма йиллик фаолиятимиз давомида шунга амин бўлдикки, юртингиз иқтисодиёти, шу жумладан, банк-молия тизими барқарор ривожланмоқда.

Айниқса, Президент Ислом Каримов томонидан соҳани ислоҳ этиш борасида қабул қилинган Фармон ва қарорлар, қолаверса, Ўзбекистонда инвесторлар учун яратилган қулай ишбилармонлик муҳити банкимизнинг барқарор ҳамда ишончли фаолият кўрсатишида муҳим омил бўлмоқда.

Ўтган даврда Марказий банк кўмаги билан молия муассасамиз капитали мустаҳкамланиб, ресурс базамизга барака кирди. Тармоқларимизни эса тобора кенгайтириб бораяпмиз. Шу туфайли бир йўла иккита нуфузли халқаро рейтинг агентлигининг барқарор рейтинг баҳосини олишга муяссар бўлдик.

Биз бундан кейин ҳам ўзбекистонлик ҳамкорларимиз билан алоқаларимизни янада мустаҳкамлашдан манфаатдормиз.

**Мунна СИНГХ,**
**Ўзбекистон — Ҳиндистон қўшма корхонаси раҳбари**
*(Ҳиндистон):*

— Мамлакатингизда Президент Ислом Каримов раҳнамолигида амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотлар туфайли Ўзбекистон тарихан қисқа даврда барқарор банк тизимига эга бўлди. Бу эса биз, хорижлик инвесторларнинг бизнес фаолиятимизни юртингиз билан боғлашда муҳим роль ўйнамоқда.

Ҳозир маҳаллий тадбиркорлар билан ҳамкорликда Самарқандда ташкил этилган корхонамиз муваффақиятли иш олиб бораяпти. Банкдан 3,7 млн. АҚШ доллари миқдорида кредит олиб, калава ип ишлаб чиқариш ҳажмини оширдик. Натижада жамоамиз аъзолари сони 200 нафарга етди.

Айтиш жоизки, Ўзбекистонда молия муассасаларининг хизмат сифати юқори. Ўз офисимиздан туриб, барча банк амалиётини бажараяпмиз. Кредит олиш борасида ҳеч бир муаммо йўқ. Йиллик фоиз ставкалари бизга жуда маъқул. Ишбилармонлар учун яратиб берилган бу каби қулайликлар учун юртингиз банк тизими мутасаддиларига ҳиндистонлик ишбилармонлар номидан миннатдорлик билдирамиз.

**Марказий банк материаллари асосида Фаррух БЎТАЕВ тайёрлади.**

РЕКЛАМА ЎРНИДА

*Хизматлар лицензияланган.*

# ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАРИ

## ғайрат-шижоати, истеъдоди, юксак тафаккури билан жаҳонга танилмоқда

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Муҳими, ана шу таълим масканларида юзлаб истеъдод эгалари камол топаётганлиги юртимизда олиб борилаётган сиёсатнинг асл моҳияти — ислоҳот инсон учун, унинг манфаатларига хизмат қилаётганининг амалий тасдиғидир.

Мамлакатимизда таълим шахс, жамият ва давлатнинг иқтисодий, ижтимоий, илмий-техник ҳамда маданий эҳтиёжларини таъминлайдиган устувор соҳа, деб эълон қилинган. Мавжуд таълим муассасаларини давр талабларини ҳисобга олган ҳолда ислоҳ қилишдан ташқари, МДҲ давлатларида ўхшаши йўқ янги турдаги ўқув масканлари — касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейлар ташкил этилди. Шу тарзда иқтисодиёт ва ижтимоий соҳанинг барча тармоғи учун юқори малакали, рақобатдош кадрлар тайёрлашга, ёшларни маънавий-ахлоқий ҳамда ҳар томонлама ижодий ривожлантиришга йўналтирилган узлуксиз ўқув-илмий ишлаб чиқариш таълимининг ноёб яхлит тизими шакллантирилди.

Бугунги кунда, БМТ маълумотларига кўра, республикамизда таълимга йўналтирилаётган харажатлар давлат бюджетининг 35 фоиздан ортиғини ташкил қилмоқда. Бошқача айтганда, Ўзбекистон давлат бюджетидан ҳар йили 35 фоиз маблағ айнан таълим-тарбия соҳасига йўналтирилаяпти.

Жаҳон интеллектуал мулк ташкилоти ва етакчи халқаро бизнес-мактаблардан бири — "ИНСЕАД" томонидан 2012 йилда инсон капиталининг тараққиёт даражаси бўйича ўтказилган тадқиқот натижаларига кўра, Ўзбекистон 141 мамлакат орасида 53-ўринни, таълим тизимини ривожлантириш даражаси, жумладан, таълим мақсадлари учун ажратиладиган маблағлар бўйича эса дунёда бешинчи ўринни эгаллагани бежиз эмас, албатта.

Юртимизнинг жаҳон майдонидаги нуфузини ошириш кўп жиҳатдан ёшларнинг интеллектуал ва ижодий салоҳиятини юксалтиришга боғлиқ. Шу сабабли иқтидорли ёшларни аниқлаш ҳамда рағбатлантиришга, навқирон авлоднинг замонавий дунёқарашини, ижодий ва шахсий хусусиятларини умуминсоний қадриятлар асосида шакллантиришга алоҳида эътибор қаратилаётир. Хусусан, Президентимиз ташаббуси билан Зулфия номидаги Давлат мукофоти таъсис этилган бўлиб, ўқишда, ижодий ва жамоат ишларида катта ютуқларга эришаётган қизлар унга муносиб кўриладир. Санъат соҳасидаги ютуқлари учун энг иқтидорли ёш раққосалар, мусиқачилар ва хонандаларга "Ниҳол" мукофоти берилади.

— Истиқлол йилларида камол топган ёшлар сафида эканлигимдан ҳамиша фахрланиб юраман, — дейди "Ниҳол" мукофоти соҳиби Машҳурбек Райимжонов. — Бугунги кунгача дунёнинг кўплаб мамлакатларида бўлиб ўтган нуфузли санъат анжуманларида қатнашдим. Хориждаги тенгдошларимиз бизга ҳавас қилишади. Биз эришган марралар ҳақида ҳайратланиб гапиришади.

Истеъдод соҳибларидан яна бири Моҳигул Раимқуловадир. У Жиззах давлат педагогика институти қошидаги 2-академик лицейнинг учинчи босқичида ўқийди. Насрий ва назмий йўналишда ижод қилаётган Моҳигулнинг яқинда "Сарафроз" деб номланган китоби чоп этилди.

— Имконият йўқлиги боис қанчадан-қанча истеъдод соҳиблари эрта сўнгани, бирор бир қулайлик бўлмаган мактабларда ўқиб, болалик орзулари ушалмай қолганидан устозларимиз кўп афсусланишади, — дейди Моҳигул. — Буларни эшитиб, биз, иқболимиз, бахтимизга шукроналар айтамиз. Бунинг қадри улуғлигини теран ҳис қиламиз.







Ёшлар сиёсатининг муҳим йўналишларидан яна бири иқтидорли ёшларни илм-фанга кенг жалб этишдир. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат стипендиясига ўқишда ва жамоат ишларида юқори натижаларга эришаётган ёшлар сазовор бўлмоқда. Бу борада бир қатор махсус стипендиялар ҳам таъсис этилган. Ёшлар салоҳиятини ривожлантиришга қаратилган бу каби эзгу саъй-ҳаракатлар ўз самараларини бераётир. Шунингдек, ўқув юртлари, аввалambор, касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини иш билан таъминлаш масаласи алоҳида эътиборда. Мисол учун, ўтган йили мамлакатимиз таълим муассасаларининг 600 мингдан зиёд битирувчиси бандлиги таъминланди. Қувонарлиси, аксарият ёшларимиз ўз келажагини кичик бизнесда кўрмоқда.

Кейинги йилларда ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилишга бағишланган ишлар кенг қулоч ёзмоқда. Бу борада тиббиёт ходимлари билан бирга, Ўзбекистон "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати, Хотин-қизлар қўмиталари, касаба уюшмалари ташкилотлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари вакиллари фаол иштирок этаётгани алоҳида диққатга сазовор. Таъкидлаш керакки, репродуктив саломатликни таъминлаш бўйича ўзбек модели БМТ томонидан Шарқий Европа, Болтиқбўйи ва МДҲ давлатлари учун энг яхши ҳудудий дастур сифатида тавсия қилинган.

Умуман олганда, ёшларнинг ҳар томонлама ривожланиши учун янада қулай шарт-шароит ва имкониятлар изчил жорий этилмоқда. Хусусан, мустақил ҳаётга қадам қўяётган ёш оилаларга зарур ёрдам кўрсатиш, амалий рағбат ва барқарор даромад манбаларини шакллантириш механизмини яратиш, уларнинг тураржой ва маиший шарт-шароитларини яхшилаш мақсадида 2007 йил 18 майда Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони қабул қилинди. Ҳар бир ҳудудда янги иш ўринлари ташкил этиш, ёшларни кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка фаол жалб қилиш, ёш оилаларга ўз бизнесини ташкил этиши учун микрокредитлар ажратиш ишлари кучайди. Бугун Ўзбекистонда ёш оилаларга ипотека ва истеъмол кредитлари ажратиш орқали уй-жой сотиб олиш ёки қуришда, рўзғорини бутлашда ҳар томонлама ёрдам кўрсатилмоқда. Истеъдодли, жамиятда фаол ёшларга "Камолот" уйлари қуриб берилаяпти.

Навқирон авлоднинг эртанги куни бугунгидан-да ёрқин бўлишига хизмат қилаётган давлат миқёсидаги ғамхўрлик ва эътибор самаралари ўз эътирофини топмоқда. 2012 йил февраль ойида Тошкентда ўтказилган "Юксак билимли ва интеллектуал ривожланган авлодни тарбиялаш — мамлакатни барқарор тараққий эттириш ва модернизация қилишнинг энг муҳим шарти" мавзуидаги халқаро конференцияда 48 давлатдан, 8 та халқаро ташкилот ҳамда таълим жамғармаларидан 270 нафар вакил қатнашиб, Ўзбекистоннинг ёш авлод таълим-тарбияси борасида тўплаган тажрибаси ҳар томонлама андоза олишга арзигулик эканини юқори баҳолади. Хорижлик экспертлар, айниқса, Президентимиз ташаббуси билан ташкил этилган махсус жамғарма кўмагида болалар спортини ривожлантиришга устувор эътибор қаратилаётгани, "Умид ниҳоллари", "Баркамол авлод", Универсиада мусобақаларидан иборат уч босқичли бетакрор тизим яратилганини юксак эътироф этишди.

Хулоса ўрнида айтганда, Ўзбекистон ёшлари халқимизнинг ишончи ва таянчи бўлиб, янада гўзал ҳамда чароғон келажагимизни бунёд қилишга дадил интилмоқдалар. Бунинг учун уларга барча шарт-шароит муҳайё этилган, улкан имкониятлар эшиги кенг очиб берилган.

**Мақсуд ЖОНИХОНОВ.**

Ҳасан ПАЙДОЕВ ва Шомурот ШАРАПОВ олган суратлар.

**Хабар**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ ВАЗИРЛИКЛАР, ДАВЛАТ ҚЎМИТАЛАРИ ВА ИДОРАЛАР ТОМОНИДАН ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАРНИ ДАВЛАТ РЎЙХАТИДАН ЎТКАЗИШ ҲОЛАТИ ТЎҒРИСИДА 2015 ЙИЛ 31 ОКТЯБРДАН 6 НОЯБРГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТНИ МАЪЛУМ ҚИЛАДИ.**

***I. Давлат рўйхатидан ўтказилди:***

1. Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирининг 2015 йил 8 октябрдаги 37-сон «Тиббий фаолиятнинг тегишли тури, ҳажми ва типини амалга ошириш учун зарур бўлган моддий-техник базага, тиббиёт асбоб-ускуналарига ва бошқа техника воситаларига, шу жумладан тиббиёт анжомларига бўлган минимал талабларга қўшимчалар киритиш ҳақида»ги буйруғи.

**2015 йил 3 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2396-1 (2016 йил 9 февралда кучга киради).**

2. Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирининг 2015 йил 8 октябрдаги 38-сон «Тиббиёт муассасалари типлари ва ихтисослик турлари бўйича тиббий фаолият ҳажмига талаблар тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги буйруғи.

**2015 йил 3 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2399-1 (2015 йил 9 ноябрдан кучга кирди).**

3. Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитасининг 2015 йил 22 октябрдаги 33-сонли «Кўчмас мулк объектларига кадастр йиғмажилдини тайёрлаш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори.

**2015 йил 3 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2725 (2015 йил 9 ноябрдан кучга кирди).**

4. Ўзбекистон Республикаси Давлат рақобат қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозорини мувофиқлаштириш ва ривожлантириш маркази бош директорининг 2015 йил 5 октябрдаги 2015-17-сонли «Қимматли қоғозлар эмиссияси ва эмиссиявий қимматли қоғозлар чиқарилишларини давлат рўйхатидан ўтказиш қоидаларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги буйруғи.

**2015 йил 6 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2000-4 (2015 йил 9 ноябрдан кучга кирди).**

5. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2015 йил 8 октябрдаги 27/2-сонли «Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан тижорат банкларига қайта молиялаш кредитларини бериш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори.

**2015 йил 6 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2201-1 (2015 йил 9 ноябрдан кучга кирди).**

6. Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазирининг 2015 йил 26 октябрдаги 8-2015-сонли «Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасалари битирувчиларининг якуний давлат аттестацияси тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги буйруғи.

**2015 йил 6 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1963-1 (2015 йил 9 ноябрдан кучга кирди).**

7. Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2015 йил 2 ноябрдаги 01/09-26/24, 96-сонли «Хусусийлаштириш инвестиция фондининг соф активларини баҳолаш тартиби тўғрисидаги низом, шунингдек унга ўзгартиришларни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги қарори.

**2015 йил 6 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 703-3 (2015 йил 9 ноябрдан кучга кирди).**

8. Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг 2015 йил 3 ноябрдаги 11-сонли «Табиатни муҳофаза қилиш жамоатчи нозири тўғрисидаги низомни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги қарори.

**2015 йил 6 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 915-1 (2015 йил 9 ноябрдан кучга кирди).**

***II. Давлат реестридан чиқарилди:***

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкини бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан тасдиқланган Хусусийлаштириш инвестиция фондининг соф активларини баҳолаш тартиби тўғрисидаги низом (рўйхат рақами 703, 1999 йил 14 апрель), шунингдек унга ўзгартиришлар (рўйхат рақами 703-1, 2004 йил 28 август), (рўйхат рақами 703-2, 2009 йил 2 февраль).

**Адлия вазирининг 2015 йил 6 ноябрдаги 339-мҳ-сонли буйруғи билан давлат реестридан чиқарилди.**

2. Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси коллегияси томонидан тасдиқланган Табиатни муҳофаза қилиш жамоатчи нозири тўғрисидаги низом (рўйхат рақами 915, 2000 йил 30 март).

**Адлия вазирининг 2015 йил 6 ноябрдаги 340-мҳ-сонли буйруғи билан давлат реестридан чиқарилди.**

**Мазкур ҳужжатлар қонунчиликка ўзгартириш киритилиши ва/ёки янги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиниши муносабати билан давлат реестридан чиқарилди.**




**ТАНЛОВ**

*Андижонда ёш мақом ижрочилари республика танловининг вилоят босқичи бўлиб ўтди.*

## Мақом ижрочилари сараланди

Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги томонидан Халқ таълими вазирлиги билан ҳамкорликда ташкил этилган мазкур танловда туман ҳамда шаҳар босқичларида ғолибликни қўлга киритган 38 нафар ёш хонанда ва созанда ўз маҳоратини намойиш қилди. Ҳайъат аъзолари уларни баҳолашда ижро маҳорати, репертуар савияси билан бир қаторда, саҳна маданиятига ҳам алоҳида эътибор қаратишди.

Якунда хонандалар ўртасида Адолатхон Исмоилова, Рухшона Қўзиева, Зулхумор Халилова, Аброр Исоқов, Ихтиёр Муҳаммедов, созандалар ўртасида эса Саидакмал Нўъмонов, Дониёр Ўринбоев муваффақият қозонди. Энди улар танловнинг мамлакат босқичида иштирок этади.

**Дилфуза ҚАРШИБОЕВА.**




## РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР










Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1167. 73 041 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона (0-371) 233-52-55;
Котибият (0-371) 233-10-28; Эълонлар (0-371) 232-11-15.

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: (0-371) 233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи муҳаррир — С. Махсумов.
Навбатчи — Д. Улуғмуродов.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 20.25 Топширилди — 22.10 1 2 3 4 5